



164

2013у.г. «22» ноябр

№ 1296-К

Самарқанд т. -Самарқанд

“Кулбаипоён” қишлоқ фуқаролар йиғини
“Равонак” маҳалласида фуқаро Хабибова
Хуршедага савдо дукони қуриш учун ер
майдони ажратиш тўғрисида”

“Кулбаипоён” қишлоқ фуқаролар йиғини “Равонак” маҳалласида яшовчи фуқаро
Хабибова Хуршеда туман ҳокими номига ариза билан мурожаат қилиб, “Равонак” маҳалласи
худудидан савдо дукони қуришга ер майдони ажратишни сўраган.

Юқоридагиларни, туман ер танлаш хайъатининг тузган далолатномаси, вилоят
табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг Давлат экологик экспертизаси хулосасини,
“Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ бош лойиҳа қидирув институтининг 2011 йил 6-октябрдаги
446 сонли баёнини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013
йил 26-февралдаги “Шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва қишлоқ хўжалигига оид
булмаган эҳтиёжлар учун ер участкаларини бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора
тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш
учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”
қарорларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. “Кулбаипоён” қишлоқ фуқаролар йиғини “Равонак” маҳалласида яшовчи фуқаро
Хабибова Хуршедага “Равонак” маҳалласи худудидан савдо дўкони қуриш учун 50 м.кв.
қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари ҳисобидан ажратиш ҳақидаги
туман ер танлаш хайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.
2. Фуқаро Хабибова Хуршедага савдо дўконини қуришдан олдин қатъий равишда
Ўзбекистон Республикаси “Шахарсозлик кодекси”нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган
ҳолда архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб Давлат
қурилиши экспертизаси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.
3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи
ўринбосари О.Мухторов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.Садуллаев